

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 4 мартдан чиқа бошлаган.

№ 54 (6. 843)

1989 йил 4 март, шанба

Баҳоси 3 тийин

★ 116-Тошкент — Фрунзе миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Дилбар Мирзаевна ҚОСИМОВА.

Замондошимиз



«ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМАН»

СССР халқ депутатлари сайлови ўтказиладиган кунга ҳам озгина вақт қолди. Шу кун сайловчилар ўзларининг энг ишончли номзодлари учун овоз берадилар. Депутатликка қўрсатилган номзодлар орасида Тошкент тўқимачилик ком-

бинатининг илгор ип йигирувчиси Дилбар Қосимова ҳам бор.

«Тошкент оқшом» мухбири Д. Қосимова билан учрашиб, депутатлик фаолияти программаси хусусида у билан суҳбатлашди.

— Коллективимиз аҳлининг менга билдираётган ишончидан гоят хурсандман. Бу ишонч Ваганимиз бўйлаб эсаётган кайта қуриш шабадасидан далолат бериб турибди. Халқимиз ўзининг асл фарзандларининг номзодларини қўрсатиб, уларга юксак ишонч билдиришмоқда.

Мен оддий бир меҳнатқаш оиланинг қизиман. 1962 йили Андижон облатининг Шўро қишлоғида туғилди. Ўрта-техник маълумотини 1978 йилда тўқимачилик комбинатини қўришда хунар-техника билим юртини тугатганимдан сўнг олишга муяссар бўлдим. 1982 йили дастлабки меҳнат фаолиятим бошланган арқон-йигирувчиликда КПСС аъзоллигига қабул қилиндим. Корхона иқтисодий ҳаётида тўтат ўринимга юксак баҳо берилди. Мени комбинат партия комитети бюроси аъзоллигига сайладилар. Бошланғич партия ташкилотининг секретари этиб сайландим.

— Дилбар Мирзаевна, халқ Сизни вақит этиб сайлар экан, бу ўриндаги сизнинг фаолиятигиз яна бир қарра ошади: жамоат тошйирқлари, ишлаб чиқариш планлари ва яна сайловчилар нақаси. Буларнинг ҳаммасини қўлиб олиб бориш бирмунча қийинчиликларни туғдирмасмикин?

— Йўқ, асло! Бажармоқчи бўлган вазифаларин олдиндан чамалаб, кўра билишга одалганман. Айни пайтда бу нарсани аниқ шундай вазифаларнинг теорик амалга ошириш учун замин тайёрлайди. Менимча, киши қайси ишни амалга оширмасин бир қўлидаги тушуб қолмаслиги керак.

— Партия томонидан номзоди қўрсатилган кишининг депутатлик платформаси амалга ошириш учун нима қилмоқ керак?

— Депутат бўлиш осон эмас, айниқса партия томонидан қўрсатилиши янада масъулият юклайди. Қайта қуриш даврида халқ ишончини оқлашнинг ўзи бўлмайди. Агар депутат илгаригидай вақтда бериб кетаверса, унга ишончсизлик билдирилади турган гап. Мен депутатликка номзод эканман, дедим бор билимимни, куч-қувватимни халқ ишончини оқлашга бағишладим керак. Халоллик, поклик, ишбилармонлик, принципчаллик ва ташаббускорликка ҳақиқий коммунистга ому-этибор келтириши мумкин. Бизга ҳозир мақсадимизни амалга ошириш учун ҳар қачонгидан ҳамма ҳисса қўлишимиз керак.

Агар бахтим қилар, СССР халқ депутатлигига сайлансам, қўлидаги ишларга асосий эътиборни қаратмоқчиман.

★ БИРИНЧИДАН, биласиз, кўп минг кишилик улкан корхонамизда ишчиларнинг асосий қисмининг хотин-қизлар ташкил этибди. Аёллар меҳнат қилганидан қорхонада сўзсиз уларга маънавий ва турмуш шароитларини яратиб бериш керак. Аввало ишни уч эмас, қатъий ички смена графигида ташкил қилиниши лозим. Аёлларнинг қисқартирилган иш кунини ҳақиқатда талабларини ҳам қўриб-қўриш вақти келди деб ўйлайман. Онда бола тарбиясининг яхши бўлиши қўлиниши — жамиятимизни янада соғломлаштириб боришдаги асосий йўллардан биридир. Уч ва ундан ортиқ болани тарбиялаб, яна 20 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган оналар 50 ёшдан пенсияга чиқарилсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

★ ИККИНЧИДАН, бизнинг енгил саноатимиз сингари соҳаларда ҳам оғир шароитни механизациялашти-

риш вақти келди, деб ҳисоблайман. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат ва қайта ишлаш корхоналари тўлалигича механизациялаштирилиши зарур.

★ УЧИНЧИДАН, меҳнатчиларнинг ишдан кейинги юмушини енгиллаштириш мақсадида ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари, буюртма столлари, маънавий хизмат шоҳобчалари, аэрофлот ва темир йўл кассалари ишлаб туришини таъминлашга ҳаракат қиламан.

★ ТўRTИНЧИДАН, фикримча маънавий хизмат, савдо корхоналарида ишлашга ўтказиш йўли билан саноат, қурилиш ва транспорт тармоқларидаги оғир меҳнат билан мангуз аёллар сонининг қисқартирилиши айни мўлдо бўлар эди. Шу билан бирга меҳнатчи аёлларга уй-жой ўз корхонасига яқин жойдан қурилиши ва берилиши керак.

★ БЕШИНЧИДАН, соғломлаштириш-даволаш тармоқларини кенгайтирибгина қолмасдан, уларда медицина хизматини яхшилашни назорат остига олиш керак.

★ ОЛТИНЧИДАН, барчани, айниқса ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун тўсиқ бўлаётган муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссамни қўлишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун қурилиш ташкилотларининг қувватини ошириш, уларни кооператив материаллар билан таъминлаш, бу соҳада кооперативларга кенг йўл бериш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, пойтахтимизда гиштли иморатлар қурилишига эътиборни қаратмоқ зарур.

★ ЕТТИНЧИДАН, турар жой массивлари албатта комплекс асосида қурилиб, бўлиб этилиш арасида хонадон эгаларини пардозлаш каби махсус ишларга жалб этилиши прогрессив формалари қўлланилиши лозим.

★ САККИЗИНЧИДАН, шахримизда совет турмуш тарзи талабларига жавоб берадиган шароитлар яратиш учун ободонлаштириш ва санитария аҳволи масалаларида маҳаллий Советлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш керак бўлади. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза ва қатъий назорат қилишни ўзининг энг муҳим бурчим деб биламан.

Мен шунингдек, болаларнинг пухта таълим олишини қатъий назорат қилиш, ўсириш-ёшларнинг бўш вақтин фойдаланишга сарфлаш каби масалаларга эътиборни қаратган бўлардим...

Бу менинг энг муҳим режаларим. Уларни сайловчилар билан бўлган учрашувларда янада тўлдириб, тақомиллаштириб бораман. Турмушимиз фаровонлигини ошириш, келажак авлодин соғлом ва баркамол воқта етказиш — депутатлик фаолиятимнинг асосини ташкил этади.

Мен олга сурмоқчи бўлган вазифалар нечоғлиқ масъулиятни эканини тушунаман, албатта. Уларни ундашга ва амалга ошириш учун депутатлик ваколатимга, қўлаверса, кўпминг кишилик коллективимизнинг мададига таянаман.

Ф. ХУСАНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисларида 6 март куни соат 9 дан 30 минут ўтганда бўлади.

Тонгги

газеталарда

★ Актнвларнинг 2 март куни ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг раиси Х. А. Алимова, мамлакат касабасоюзлари-дан СССР халқ депутатлигига бошқа номзодлар билан, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи-да КПССдан СССР халқ депутатлигига номзод Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов билан учрашуви ҳақидаги ҳисоботлар ёритилган.

Дўст билан обод уйинг


БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Тошкентдаги санитария-техника жиҳозлари экспериментал заводда ҳам турли миллатга мансуб бўлган ажойиб ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар меҳнат қилишади. Бугун биз корхонанинг 1-цехида меҳнат қиладиган турт халқароликнинг шу кунлардаги фаолиятларидан оқшомхонларни хабардор қилмоқчимиз.

★ Анатолий Бирюковни цехдагилар жуда ҳурмат қилишади. Бунга у ўзининг фидойилиги, касбдош дўстларига меҳрибонлиги билан сазовор бўлган. Бешинчи разрядли илгор ишчи бўлган А. Бирюков ўғлини ҳам ўз касбига муҳаббат руҳида тарбиялади. Игорь Бирюков ҳам ана шу корхонада фидокорона меҳнат қилмоқда. Бундай ота-ўғил ишчиларга ҳамма ҳавас қилса эрияди.



★ Белорус фарзанди Константин Курдуи меҳнат ветерани ҳисобланади. Унинг жонжон корхонасига ишлаганига 27 йилдан ҳам ошиб кетди. Гарчи пенсияга чиққан бўлса-да у дўстларини, заводнинг ташлаб кетмади. Ҳозир ҳам илгорлар сафига туриб ишламоқда. У ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, ишчи номини улуглаётган ажойиб ҳамшаҳарларимиздан биридир.



★ Ўзбек ўғлини Қўзйўл Нурматовнинг ҳам бу ерга келганига қорасдан ошди. Слесарь-сантехниклик касбининг, нозик сирларини эгаллаб олган бу ветерани ишчи-ёшларнинг чинакам мураббийсидир. У ишда тўплаган ўзининг бой тажрибаларини бошқаларга сиқидилдан ўргатмоқда.



— Цехимизда турли миллат вакиллари ақил-пайванд бўлиб меҳнат қилишарди, бу эса эришадиган ютуқларимизнинг муҳим омилларидир, — дейди фахр билан Қ. Нурматов.

★ Бу сўзларни татар миллатига мансуб Марат Ҳасанов ҳам қизғин қўллаб-қувватлаб давом эттириди. У меҳнат коллективни кенгайтириш асоси, цех касабасоюз комитетининг раиси сифатида инсон омиллига муҳим эътиборни қаратмоқда.

— Чунки, — дейди у, — коммунистлар дом авангард бўлишлари керак.

Ҳа, бу гапларда бир олам маъно бор. Марат сўз ва иш бирлигини қўрсатаётган ўз касбининг ҳақиқий устасидир. С. БОБОВ.

Буюртмалар қабул қилинди

★ Тошкент лак-буёқ заводи коллектив ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кенг истеъмол бўюмлари ялпи ҳажми миллион сўмдан ошиб кетди. Сифат ва 8 хил маҳсулот Сифат белгиси билан чиқаришмоқда. Шундан ух хил халқ истеъмол молларидир.

Корхона маҳсулоти қардош республикалардаги ва чет эллардаги истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда, — дейди корхона бош технологи Р. Рухисонов. — Коллективимиз Монголия, Болгария, Аргентина, Польша мамлакатларидан буюртмалар олди.

Е. ЛЕОНИДОВА.

Бизга мактуб йўллабсиз

ОҚШОМХОН ИСТАКЛАРИ

Газета саҳифаларини биргаликда тайёрлаймиз

№ 3 (20)

★ Азиз оқшомхон дўстлар! Ҳозир Сиз варақлаётган «Тошкент оқшом» газетасининг бугунги шабаона сонини ҳам редакцияда йўллаган ранг-баранг мактублар асосида тайёрлади. Чунки биз ҳар галгидек ўзининг яхши аънамизига содиқ қўлиб, ўтган ойда ҳам Сизларга мурожаат қилишга қайси мавзуларда мақолалар ўқиш истагини эканлигини бизга ёзиб юборишинингизни илтимос қилган эдик. Шу бонисдан бутун биз ваъданимизга вафо қилиб, газетанинг бугунги сонини ҳам Сизларнинг талаб ва истақларингиз асосида тайёрлади.

★ Оқшомхонлардан келаётган қўлиги мактубларда қайта қуриш ва янгиланиш йўлида эришяётган муайян ютуқлар, ҳал этилаётган муаммолар тўғрисида мақола беришимиз илтимос қилинган. Бугун биз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг У.

Орипов номлидаги электроника институтида бу борада олиб борилаётган ишларни ҳақиқатда газета мухбирини билан институт бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Ғуломов, цех партия ташкилотининг секретари Ф. Умаров, институт қонидаги махсус конструкторлик-технология бюроси бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Тўхтаевларнинг суҳбатини диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.

★ «Оқшом»нинг ички саҳифаларидаги барча материаллар ҳам газетхонларнинг истақлари асосида тайёрланган. Жумладан, Тошкент халқ хўжалик институтининг ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати М. Усмоновнинг «Бебаҳо мерос» сарлавҳали мақола-сида одамлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари мадҳ этилади, шифокор М. Хўжаевнинг «Гиеҳлар тилга кир-

самин...» мақоласи, поэзия ва проза иҳтисомандларига бағишланган ёритилган материаллар. «Турфа олам ажойиботлари», қатралар, ҳажинилар, «ТО» калейдоскопи» рубрикаси остида чет эллардан сўёсат, санъат, маданият, фан, ажойиботлар ҳақидаги ранг-баранг материаллар ҳам Сизларга манзур бўлади деган умидимиз.

★ Газетанинг туртинчи саҳифасидаги ҳафталик телепрограммалардан келаси ҳафтада намоиш этиладиган кизқарлик қўрсатувлардан хабардор бўласиз, фарзандларимизга бағишланган шингил материаллар билан танишасиз.

★ Азиз мухлислар! «Тошкент оқшом»нинг бугундан кейинги сонларидан яна қандай мавзуларда материаллар ўқиш истагини эканлигингизни бизларга албатта ёзиб юборинг. Мактуб-ларингизга мунтазиримиз.

Партия турмуши ва қайта қуриш

ЖАНГОВАРЛИК—ШИОРИМИЗ

М. С. Горбачев XIX Бутунитифок партия конференциясида «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай баҳарлаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» қилган докладыда жамиятнинг интеллектуал, маънавий имкониятини активлаштиришга алоҳида тўхталган, партия олимларимизнинг қайта қуриш ишига қўшаётган ҳиссасига катта аҳамият бераётганини ўқитиб ўтган эди. Конференция қарорларида ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш партия иқтисодий ва социал стратегиясининг негизги эканлиги таъкидланган. Олимларимиз бу соҳада қандай изланишлар олиб боришяпти? Институт партия ташкилоти коммунистлар қандай раҳбарлик қилляпти? Унинг авангардлик роли сезилаяптими? Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўбай Орипов номдаги электроника институтидан бўлиб, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳусусида институт бошланғич партия ташкилотининг секретари Алишер Ғуломов, цех партия ташкилотининг секретари Фарид Умаров институт қошидаги махсус конструкторлик-технология бюроси бошланғич партия ташкилоти секретари Маҳмуд Тўхтаевлар билан суҳбатлашди.

Ф. Умаров: — Бизнинг цех партия ташкилотимизда 28 коммунист бор. Ўз ишларимизни институт бошланғич партия ташкилоти билан мустақим алоқа асосига қурганимиз. Бюро аъзолари ойида икки-уч марта йиғилиб, партия ташкилоти ўз олдига қўйган вазифаларни қандай баҳарлаётганини муҳокама қиладилар. Икки ойда бир марта мунтазам партия йиғилишларини ўтказиб турамыз. Бутунитифок XIX партия конференцияси қарорларидан келиб чиқиб, партия ташкилоти вазифаларини, янгиланиш даражасида баҳарлаётган ишларнинг кўламини қайта кўриб чиқдик. Ававаллари партия ташкилоти бўлар-бўлмасга институтнинг илмий йўналишларига, ишлаб чиқариш соҳаларига, раҳбарлик фаолиятларига аралашавер эди. Энди бундай иш усулига ҳеч қандай. Ҳозир кўпроқ сиёсий-тарбиявий ишларга, социал муаммоларни ҳал этишга, кадрлар резервини тайёрлашга эътиборни қаратаймиз.

М.Тўхтаев: — Бизнинг махсус конструкторлик-технология бюромиздаги кўпгина цехлар йил бошидан тўла ҳўжалик ҳисобига ўтиб ишляпти. Ҳўзирги пайтда инженер-техник ходимларимиз олиб бораётган ишлар ҳам бюджет, ҳам ҳўжалик шартномаси асосида йўлга қўйилган. Келаси йилдан Академия тармоқларидаги асосий ишларга темалар конкурс асосида берилди. Бу эса ҳар қимми ўз иши ютида жидай йўлашга мажбур қилди. Кимки беҳуда иш билан шўғулланса, ўзи оладиган тежани ишлашга лавқатини кўрсатиб, жонбозлик қилмаса, бу ташкилотга академия маблағ ажратмайди. Тежа берилмагач, бу ёни ўз-ўзидан маълум...

Ҳўш, шундай шартнома партия ташкилотининг роли қандай бўлиши керак! Ававало одамлар ҳақида қайғуриш керак. Бунинг учун эса ишни тўғри ташкил қилишда маълумиятга эришдан ёрдам бериш зарур. Ишчилар ва илмий ходимларнинг кўнглидаги дардига қўлоқ тутиш мақсада мувофиқ. Ҳўзир бизнинг конструкторлик бюромизда 6 та кооператив олинди. Бу кооперативлар институтдаги қилинётган ишларни, муаммолар ечимини тезлаштиряпти. Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ўзлари буортакчилар билан шартнома тузишляпти. Бундан ташқари улар давлат бюджетни бўйича ҳам иш олиб боришляпти. Улар ҳам кооператив, ҳам бюджет бўйича ишлашяётганликлари учун ҳоҳида бир ишга икки ёқлама ойлик олишляпти.

Бу эса коллективдаги нормал иқлимга таъсир қилмоқда. Чўнки ҳамма кооперативга ўтиб ишласан дейди. Биз бу ерда ойликларни тенглаштириш керак, ҳамма бир хил ойлик олсин, демократизм асосида. Кооперативда иш кўпими, қилишини, ойлигини олишсин. Лекин бюджет ҳисобида турган одам фақат кооператив шартномасидаги ишнинггина қилиб, бюджетдаги ойлигини ҳам олишса қаршимиз. Бунда социал-адолат принципи бузилади. Шундай шартнома партия ташкилоти тушунтириш ишларини олиб борапти, ҳақга, ҳақиқатга пўтур етишимини олдини оляпти.

Ф. Умаров: — Давр теорорикни талаб қилмоқда. Ҳар бир ишга янгича ёндашиш керак бўляпти. Жанговарлик эса ширинимиздир. Ҳўжалик ҳисобига ўтиш шартномада ишчи ва инженер-техник ходимлар ва илмий кадрларга қўшимча пул бериш масалаларида, институтнинг мукофот пули тақсимидада ўзига хос жўмбоқлар пайдо бўлган эди. Партия ташкилоти бу масалаларни ечимда жонбозлик қилди. Биргина мисол, ўзоқ баҳслардан сўнг мукофот пулини 6 процент оширишга муваффақ бўлинди.

Коммунистларни аттестациядан ўтказишда ҳам партия ташкилоти қатъий иш олиб бормоқда. Масалан, институт бош механизми Н. И. Абраменко ичкиликка берилганлиги учун унинг масаласини партбюрога кўриб чиқиб, қатъий оғохлатирди. Лекин у бундан ўз вақтида тегишли хўлоса чиқармади. Сўнгра биз уни ишдан бўшатдик. Яхши мутахассис эди, лекин...

М. Тўхтаев: Партия ташкилоти институтдаги илмий ишларга амалий ёрдам бериб келмоқда. Зеро, илмий-тадкикот институтларида партия ташкилоти ишчи фандан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, бизнинг институт қошида инженерлик маркази бор. Яқинда бу марказ институтда яратилган фан янгилликларини қай тариха амалиётга тадбиқ этиш масаласини кўриб чиқди. Шунда жўда қиммат бир фанга дуч келди. Институтимизда электроэрозияни қурилма яратилган эди. Бу қурилмани биз Швейцарияга сотдик. Лекин республикамизда бу қурилмани на ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, на унга ҳаридор топилди. Шунанга пайтларда алам қилиб кетдик, гоҳи жўхон стандарти даражаси ҳақида оғиз кўпиртиришдик. Аслида эса шўндок тушўнўрининг тағиди иштирони кўришмайди, моҳиятига тушўнишмайди...



Давлат қабули—сифат кафолати

Шаҳримиздаги саноат корхоналарининг давлат қабулига ўтиши билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатида негизин ўзгартирилди. Илгари ҳайбаранкалар, лавинки, план ординат кўшиш даражаси йўл қўйилган қамқилиқлар барҳам топилди. «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам биринчилар қаторида давлат қабулига ўтиб ишляпти. Маилхатимизда ягона ҳисобланган пахта териш машиналари ишлаб чиқариладиган корхона маҳсулотига талаб тобора ортиб бормоқда. Бу ўринда сифат масаласи ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ. 1987 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 65 проценти «дастлабки назоратда» реализацияга рухсат этилган бўлса, 1988 йилда бу рақам 73 процента

етди. Ҳўзирча машиналарга эътироз билдирилмаётган. Шўнингден, ҳалқ истеъмолни буюмларига келаятган эътироз хатлар 40 процентиға камайди. Тайёрланаётган буюмлар харидорлар томонидан хушнўдлик билан сотиб олинляпти. Корхонада ишлаб чиқариладиган иккинчи қаторли пахта териш машинаси идораларга коммиссия томонидан жаҳон стандарти талаби даражасида деб баҳоланди. С. ШАМСИДИНОВ. Сиз кўриб турган суратда корхона давлат қабули коммисиясининг ваилии Дахислава Геннадьевич Лазаревнинг маҳсулотни комплекс текширувдан ўтказаятганини акс этган.

С. Дроздов фотоси.

Фан—ишлаб чиқаришга

Технологияни такомиллаштиридилар

Андижон Давлат медицина институтининг олимлари жигар хасталигини даволашга мулкжалланган препарат — Берберин висульфатни ишлаб чиқаришнинг янада такомиллашган технологиясини тақдир этдилар. Қимматли дорини тайёрлаш учун улар арзон маҳаллий хом ашёдан фойдаландилар.

Батуми химия-фармацевтика заводининг коллектив билан ижодий ҳамкорлик андижонликларга у ерда янгиллини муваффақиятли жорий этишга қўмақлашди. Янгиллининг жорий этилишидан корхонада бир йилда қўрилган иқтисодий самара юз минг сўмни ташкил этади.

СССР ихтиро ва кашфиёт ишлари давлат комитети янгиллик ишлаб чиқилганлиги учун Андижон медицина институтини химия кафедрасининг мудир, профессор К. Л. Лутфуллин ҳамда доцент А. Каримовга «СССР ихтирочиси» фахрий унвони берди.

Э. ЗАРИПОВ, Тошкент шаҳар, Коллонтай кўчаси, 3-туник 3-уй.

Бизга мактуб йўллабсиз

Бизга мактуб йўллабсиз

Сени кутаман

(ҚАТРА)

Чўққилар ортда тонг ёришмоқда. Ўзоқ-ўзоқлардан яна ўша унутилмас бахорнинг исини келаяпти. Ширин ҳаёлларга чўганимизда кўча эшик тақиллаб қолди. Остонада илиқ чехрели почтабон жилмайиб турарди.

— Қизим, орта-индин ўзини ҳам келиб, эшигининг қоғаси, — деди у меҳрибонлик билан конверт узатар экан. Янқоқларим қизариб, кўзларини четга олиб қочдик.

Ҳали хатни очиб улгурмасидан юрагим ширин туйғулардан ораниқиб кетди. Ҳали бир титроқ билан сатрларга кўз югуртирмаган. Ёдимга баҳор чоғи, богда бир-биримизни қўлаб, қўзончаларни дилга ситдирилмай гуллар терган. Нимиз тушди. Қўлимдан ушлаб тепаликка олиб чиққаннингиз, чаман-чаман гулларини бошимдан сочганингиз ёдингиздами? Сўнг ўзоқ тин олиб ҳаёл оғушида аста шивирладингиз: — Эртага хизматга кетаялман...

Сизнинг солдат бўлиб қайтишингизни кутаман.

Согинчларим юракни ўртаганда, хатларингиз далда бўлаёпти. Доим васлингизга талпинман, дўстим...

Гулнора МИРСОНПОВА,

Киров районидagi 239-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.



Ширин ҳаёл оғуши.

Э. Мухамедов фотоси.

Чин ота-она

ЭРТАК

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўзоқ қишлоқларнинг биринида ўз хўзур-халоватини қўзлаган бир сирти ялтироқ, ичи қалтироқ ота-она бор экан. Ота-она битта-битта беғуноҳ болани ўрмонда адаштириб, ўзлари бирдан гойиб бўлган экан. Шу-шу ота-она ҳеч кимга сир бўлиб бермай, нег ўйда бепарво яшар эканлар. Ниҳоят, кунлардан бир кун ота-она нулогига гойибдан: «Боласи бординг чирғоғи ўчмас, деганлар. Бир умр тирноқча зор бўлмайлик ва чирғоғимиз ўчмас. Сени десангиз, гафлатда ётмай, тезда йўлга тушинглар!» — деган овоз эшитилди. Ота-она ўз қилиншидан пўшаймон бўлиб, боласизликдан зерикиб, қулиб ёмиғида юврилиб, иссиқ қўнғиш товланган ўрмон томон йўлга олибди. Улар уч йўл кўриб, йўл юрса ҳам мўл кўриб, тўғри ўрмонда бобо олдиға етиб боришибди. Ўр-

мончи бобо ота-она сўзларини тинглаб, «адашган» болани аста чиқарибди. Зийрак бола ичлари уйдан: — Лаббай азиз бобоим! — дея овоз чиқариб қолиб келибди. Ва катта ўрмонда аччиқ йиғлаб излаганда топиламай, кейин йўлаб келган ота-онаси бағрига отилибди. Хурсандликдан туш ўнгилгини билонмай қолган ота-она «Ойжон ва дадажон!» деб қаттиқ ёпишган ўз боланининг маҳкам бағрига босиб, унинг кичик пешонасидан ўпиб, кўзларидан дўдув ёш тўкибди. Шундан кейин қўнвоган бола бахтига учраб қолган соч-соқоллари оппон, саҳий бобо-нинг: «Йиллама, бўтам! Бол ширин, болдан бола ширин деганларидек, ўз ширин бола-сидан ҳеч қачон ўз кечмайди чин ота-она!» деган гаплари, га ишонибди. Баҳром МУСЛИМОВ.

Бешим қўтиммуродов Тугамаган суҳбат

ХАЖИВИА Келин иш жойига келиб ҳали ўринга ўтirmай телефон жиринглаб қолди. — Алло, алло, Лолажон ўзингми! — Худди шундай, Маяжон. — Овозинг бунча баланд... Ҳа, айтгандек модалар уйига ўтишга улгур олдингми! — Бозорлаб бўлиб, унга ҳам ўтдим. Бир хил кўк гулли чиройли мато бор экан. Гуллар катта-катта. Бўгун кечқурун Гелдини қандай бўлмасин кўндиршим керак. Шу десан, эркаклар аёлнинг ҳеч қадарламайдиган. Ўтган ҳафта тиктирган қўлагим ҳали эг-нимда. Сенкиям ҳали ўша бўлса керак, ё бошқасини... — Йў-ўқ, қўлагим ўша. Мен ҳам ишдан боришим билан Сафарнинг ёқасидан олам.

— Лолажон, яна бир хилда кийинялик. Ўша кўни сен келиб кетгандан сўнг ҳаммаси-ларим иккинчи ола-сингилга ўшар экансиз, дейишди. — Маяжон, янаву атир гулли қўлагингиз қандай дэз-молласан. Устига дона ёз-самкини ё...

— Мен қўлагимни қўшнимга дэз-молласдим. Қандай дэз-молласам экан деб ўйлиниб турсам, қўшним чиқиб қолди. «Бундай эсл матонни яна зое қилиб қўлагингиз» деб, ўз дэз-моллаб берди. Сен ҳам билмасан, кўядириб қўлагимни яна...

— Бундай ишларга қайно-намнинг сўяги йўқ эди-да. «Овозинг ўчса бас» деб бир зумда барча кийимларимизни ювиб, дэз-моллаб қўярди. Қай-ниникингга кетганича, ҳам қай-ганим йўқ. Тоza кийимларимиз ҳам тугаб бораляпти. — Қўй, ҳадеб бунинг таш-вишини чекаверма. Қўшнимини сенкига бошлаб борама. У ҳамма кийимларингизни ювиб, дэз-моллаб беради.

— Ундай бўлса дэз-мол қилиб ўтirmайман. Сен билан маспахатлашганим зап яхши бўлди-да.

— Алло, алло, пуф-пуф... эшитаяпсанми!

— Ҳа, ҳа... — Вой-вой... Қоровул чолми. Вой сал бўлмаса, эшикни уст-гимдан қўнғлаб кетиб қолар экан-а. Менинг бундай кеч қол-лагидан одатим йўқ эди-ю.

— Вой, бизнинг қоровул-нинг ҳам оёқ товуши эшитил-ляпти. Уйга борсанг ана иш. Ҳали овқат ҳам тайёр эмас-дир. Шундан сўнг ҳақдинг чиқади-да. Ишдан ўлгудек чарчаб борсанг-у... Яна...

— Бунча фиғонингдан дуд чинмаса. Шўрлик эринг ҳар дом оёқнингини тайёрлаб ўтирарди-ку. Келин бўлиб овқат пийшганимизга эсполмай-ман, деб керишган ўзингмас-ми!

— Тўғрику-я... У команди-ровкага кетган бўлса нима қилар, яна бугун жўдама чар-чаганим. Э, шу қоровул ҳам қурсин. Безор қилди-ку.

— Ҳаммасида бир гўр. Юзингда кўзинг борми демай, «телефонда ёнбатини намроқ қилинг» дейди-я ўлгудек. Худ-ди биров унга ҳисобот бера-диганди.

— Ҳайронман. одамларга сени ҳеч ўз қолинга қўймай-дия. Бўлмаса суҳбатимизни ҳозиргина бошловдик-ку. Дав-лат телефонини бўлса. Нима де-са бўлади, бу одамларга.

— Ҳен нима деганим йўқ. Орага бошқа бир кишининг овози тушди.

— Эшитаяпсанми, нима де-ляпти у. Эркак кишининг ово-зим, дейман.

— Нима-яи дерди. «Соат бирдан бўён сизнинг бўйимин-гизга қўнғирок қилиб ҳеч ту-шолмапман», дейди.

— Сабил қолтур, иши шун-ча зарур эканми!

— Тава, бун қаранг биз беқорликдан лақиллашиб ўтирибмизми!

— Яхши, қолганини эртага маспахатлашармиз. Ҳўп. Вой, эсим курсин, ҳайимдан қўла-рилай депти-я... Алло, алло...


Тўрмачадан Очил ТОҲИРОВ таржимаси.

«ТО» калейдоскопи

Сиёсат, санъат маданият, фан, ажойиботлар

КАШАНДАЛАРГА ОҒОХЛАТИРИШ

Папироз ёки сигарет чекиш кашанделарга хўзур бағишлашни рад этиб бўлмайди. Шунга қарамай улар хўзур билан ўлим хавфидан би-рорасийни танлашлари лозим, бун нақадер тез ҳал этишса — шунчалик яхши, деб ҳисоблашмоқ-да финляндиялик ме-диклар.



СУРАТДА: кашан-дарни ана шундай қайғу-ли оқибат кўтмоқда, деб тасаввур қилади Пресс-фото агентлигининг фоторепортери...

Прессфот — ТАСС фотоси.

КАРФАГЕНДАН ОЛИНГАН ҲАҚАР

Сердиния соҳилига яқин Сант-Антонио оро-лида археологлар ер-остидан Карфаген аҳо-лиси қабристонининг 1500 га яқин қабр тош-ларини топишибди. Му-тахассисларнинг таҳми-нига қараганда, то-пилдиқлар эраимиздан аввалги VI—I асрларга тааллуқлидир. Қабр тошларига худоларнинг қиёфалари, қоҳинлар-нинг ва марҳумларнинг, аниқроғи ана шу ибод-атхонада худоларга қурбон қилинган одам-ларнинг тасвири туши-рилган.

ҲУСНИХАТ ЕРДАМ БЕРАДИ

Гонконглик врачлар руҳий зарбеларнинг ол-дини олиш учун ҳусни-хат билан шўғулланиш-ни тавсия этадилар. Одам мураккаб иерог-лифларни байнан ўша-тиб ёзар экан хотиржам тортади, томир уриши эса сезиларли даража-да камаяди, деб ҳисоб-лашади улар.

ҚАРЗЛАР КЎРГАЗМАСИ

АҚШнинг энг йирик шеҳри диққатга сазовор жўялари рўйхатига яна бир янгиллик қўшилди. Нью-Йоркнинг Манхэт-тен райони қоқ маркази-да... миллий қарзини ҳисоблаб борувчи катта электрон циферблат чирокларни ёнди. Мазкур панно ижодкорларига 2,7 триллион доллардан зиёроқ бўлган давлат қарзини бир долларига анчиклик билан қайта этиш учун ўн уч қочаки сонини бир қатор қилиб теритишга тўғри келди. Ана шу қатордан қўйиқроқда яна бир сатр ёниб турибди. Бу сатр Нью-Йорк аҳолиси ва меҳмонларига давлат қарзи америкалик ҳар бир оилага тақсимлан-диган бўлса оз эмас-кўп эмас 42 минг долларни ташкил этишини маълум қилди.

РАССОМ ТАССУМИ

«Равнак, фаровонлик, тенг ҳуқуқ» — бу сўз-лардан капитализм дун-ёсининг энг бадвафот мамлакатини деб ҳисобла-нувчи Америкадаги ҳа-қиқий аҳолидан ҳаба-дор бўлган неча авлод америкаликлар безор бўлишган.

[Газеталардан].



Америкалик комму-нистларнинг «Пилз дей-ли уорлд» газетасидан олинган мазкур расм Вашингтондаги ҳақиқий ҳаётни ана шундай тас-вирляпти. Вентилиция панжараси устида ўти-рган аёлнинг ёнида «тан-грам буюк ташаббуслар-ни қўллаб-қувватла» деб ёзилган.

ТАСС фотохроникаси.

БИР ФИЛЬМ ТЕВАРАГИДАГИ ЭҲТИРОСЛАР

Америкалик режиссёр Мартин Скорсезининг

«Исонинг сўнгги йўлдан озиши» фильмининг Фарбий Европада на-мойиш этилиши шундай намоишларга сабаб бўлдики, бунга қадар кино санъатининг би-рорта ҳам асари бунча-лик жанжал-сурон ва намоишларни келти-риб чиқармаган эди. Бундай эхтиросларни Европа кўндан бери бо-шидан кечирмаганди. Клерикал доиралар фильмни қоралаб, унинг муаллифини шаққоқлик-да айбладилар. Сабаби, сценарийда Исо образи аънаванинг талқиндан ўзгача талқин этилди.



Диндорлар Скорсезе-нинг фильми кўрсатила-ётган кино заллари ол-дида намоишларга ўтқа-зиб, Фарбий Европа ша-ҳарларининг кўчаларида юришлар ташкил этдилар. Черковнинг бундай кескин норози-лиги ўз навбатида, маз-кур таъинда ижод эр-кинлигига қарши кураш-ни кўрган кишинларнинг тескари реакциясини кел-тириб чиқарди. Като-ликларнинг экстремист доиралари фаолияти му-носабати билан эхтирос-лар янада авж олиб кетди. «Исонинг сўнгги йўлдан озиши» фильми намоиш этилаётган Па-риждаги «Сен-Мишель» кинотеатрининг ёндири-лиши ана шу фаолият-нинг қўққиси бўлди. Ёнғин оқибатида қурбон-лар бор.

Фильм теварагидаги даҳанак олишу эхтирос-ни Фарб жамиятида му-россиялик тез суръат-лар билан ўсиб бораёт-ганигидан далолат бе-ради.

СУРАТДА: Скорсезе-нинг фильмидаги Исо пайгамбар.

ТАСС фотохроникаси.

Бизга мактуб йўллабсиз

Бизга мактуб йўллабсиз

Шеърят бурчаги СОЧМАЛАР

КИНИМЛАР ЖАВОНИ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Бу хона — саранжом-саринша, уни таърифлашга шайдир,
Сўзлар қўшини!
Ана тўра мустаҳкам турур, кийимлар
жавони — алтироқ, бежирим.
Шундай экан, сафарбаримиз — кел, тутқич
билмас ҳаёлим, шеърим!

Бу жавонда кийим илгичлар қатор,
Яъни, кийим-кечакларнинг тайин ўрни бор.
Уй бекас шубҳасиз, тартибни севар,
Шу ўринда, ҳар ҳолда таъкидлар бекор!

Жавонда — гушн чопон, бекасдан тўн,
бир-бирини олдилаб, турар ёни-ёни.
Улут жанглар гувоҳи, ўқ тешган кител
ҳам шунда,
Кўкси жанговар нишонларга бой,
Эгасин ортиқ кутар ҳойнаҳой...

Бу — жинси, мана бу — атлас,
Бу эса — энг сўнгги модада тикилган либос.
Нафталин, крахмал ҳидига қоршиш кетар
гуллар япроғидан олинган атир...
Бас, етар... Қадам товуши —
Жим... уй бекаси жавон томон келаётми...

ЖАСОРАТ

Жасорат дадил қўллар керак. Оди йўллар керак.	Жасоратга айланса юрак. Жасоратга меҳр ҳам керак. Қаҳр
Журъатининг, қудратининг, балки қисматининг синамоқ учун...	ҳам керак. Ойбекнинг забони, Қаҳорнинг армони, Хайридин Салоҳнинг гумони...
Сендан аввал дунёга келган бўлса, — дадил, мағрур ҳайқира олгани	омонсиз қақшаган виждоним, — Жасоратга айланган юрак. Жасоратга ҳақиқат керак. Сабру
Жасоратга айланар юрак. Жасоратга Ватан керак. Қўли очик	
Ҳотам керак. Энг ширин дамларни аямай улашгани...	тоқат керак. Қўлида борини очмоқлик ушун, ахшилик
Ҳайратга, ҳайратга, ҳақиқий сийратга, дўсту душман керак. Беллашгани, талашгани, курашгани	Уруғини сочмоқлик учун, Шу куннинг энг қатъий фармони — Жасоратга айланган юрак!

ҲАЙҚИРИҚ

Сизга айтмаганим... Айта олмадим.
Бу фикрдан осонликча қайта олмадим...
У кун қаттиқ-қаттиқ қойишди мени,
Сезмаганим, менинг — Мендигини, бағри
кечганимни, уларга тенглигимни...
Қилган, қилмаган хатоларимни, гуноҳларимни
юзимга солиб,
Гўёки, гоша сувда обдон чийишди мени.
Бундай дамларда ҳайқириб юборар, ўзини ўзи,
Хурмат қилмаган ҳар қандай ориятли одам!
Мен ҳайқирадиган, ҳайқира олмадим...
Ўзларидек митти фикрли, митти кимсалар,
Аччиқ, нордон таплар айтиб, қақса ҳам,
Уларнинг заҳар-олуд сўзлари кимгадир ёқса ҳам.
Бундайлар ҳаминша манфаатларини
Ўзгаларникидан бандароқ қўйиб,
Яна улдурун-санадилар ўзларини ҳар ишда,
Сиз уларни қўрмагансиз ҳаттоки, тўшда.
Бундай дамларда ҳайқириб юборар, ўзини ўзи,
Хурмат қилмаган ҳар қандай ориятли одам!
Сизга айтмаганим... Айта олмадим.
Сиз албатта, юнатасиз:
— Ундайларнинг пайти ўтган ҳозир, дейсиз жилмайиб...
Сизга айтмаганим...
Сизга айтма олмадим...

Шавкат ТУРОВ.

Б е б а ҳ о м е р о с

Инсониятнинг буюк каш-
фиётларидан бири — одам-
лар ўртасидаги иноқлик,
дўстлик муносабатлари десан
муболага қилмаймиз, чун-
ки улар ўртасидаги ана шу
қудратли восита ҳамма
нарсасига қодир. Шунинг
учун ҳам доно халқимиз
дўстликнинг кучини бекиб
ҳисоблаганлар. Дўстлик
муъжизалар яратди, қаҳра-
монликларга ундайди. Халқ-
лар ўртасидаги бу олий
муносабат — дўстликнинг яна
қўлаб юқибой томонлари
борки, ундан диллар равшан-
лашади, кийинчилар
енилади. Ҳаёт мазмунли
бўлади. Дўстликни, унинг
меҳрини эъзозлаш, авайлаб-
асрашликнинг файзи бўлак-
ка. Қадим-қадимдан дўстлик
алломалар томонидан мадҳ
этилб, унинг жоизабдор
томонлари сайқаллиб ав-
лоддан авлодга ўтиб келмоқ-
да.

Дўстликни улугълайдиган
жуда кўп ривоятлар, матал-
лар, афсоналар борки, хо-
зирги кунда ҳам ўз аҳамия-
тини йўқотгани йўқ. Мана
худди шундай ривоятлардан
бири.

Ривоят қилишларича, қад-
дим замонда бир йигитни
қизни севгани учун золим
шоҳ алағанда қўйиб
юборишни амр этади. Ушбу
муҳдиш фожиадан еру кўк
ларга келади. Қарио-ёш,
кизу жувон, хотин-халаж,
ҳамма-ҳамма минг афсус
ҳадматлар билан ғам-алам-
га ботида. Ушбу софдил,
мард, садоқатли йигитга
ҳамдардлик билдириб ҳая-
жонланадилар, унга ёрдам
беришни қанчалки хоҳла-
синлар, қўлларидан ҳеч ни-
ма келмасди. Бу фожиадан
хабар топган қалдирғоч
озғизда сув олиб келиб,
аламга устига оқса бошлай-
ди. Қалдирғочнинг пойи-

патак бўлиб жон қуйдираёт-
ганидан афсусланган йигит:
«Бу катта алағга учун сен
олиб келган бир томчи сув
нима бўлади?» деб кўнади.
Шунда қалдирғоч тилга
кириб: «Уйингда пештоқдан
жой бериб, менга дўстлик
қилган эдинг, шунинг учун
яхшиликка яхшилик билан
жавоб беришман. Минг аф-
суски, қўлимдан бошқа иш
келмайди», деб жавоб бе-
рибди. Йигит бечора қўш-
нинг ҳаётбахш сўзларидан
хурсанд бўлиб, золимликка
парво қилмасдан бардошига
бардош қўйишди.

Ушбу ҳикоятда нафақат
яхшиликка — яхшилик, бал-
ки дўстликка содиқлик та-
ранму этилган. «Садоқат —
дўстлик васиятидир», — деб
таъкидлаган эди Эрнст
Тельман, — у инсонга бери-
лиши мумкин бўлган энг
қimmatбоқ тортиқ. Дўст-
ликка содиқ бўлиш учун
кишидан мардлик талаб
этилади, керак бўлса жасо-
рат ҳам, фидойилик ҳам
даркор. Ўз-ўзидан ҳеч ни-
ма қилмайдиган дўстлик «да-
рахти»ни меҳр билан, қалб
қўри билан, эҳтиёткорлик
билан парваршиллаш даркор,
ана шундангина у сизни ла-
затли мевалари билан сий-
лайди. Акс ҳолда қўри-қо-
вирайди.

Дўстлар ўртасидаги муно-
сабатни донолар гўё ойнага
ўхшатишган, у қанчалик то-
за бўлса ўз акси шунча
равшан қўринади. Дарҳақи-
қат шундай, бошқасини
қўйиб, ҳатто ороқ эъти-
борсизлик қилинса ҳам гард
қўниб хиралашиб қолади.
Ҳа, ахшилар, зинҳор дўст-
лик ойнасига гард юктир-
манг, уни авайлаб-асранг,
ана шунда дилинги ҳам
равшан, ўзингиз ҳам тетик
бўласиз. Эҳе, дўстлик бебаҳо
хазина-ку!



Дўстлик ҳақидаги аждод-
ларимиз меросига сайр
қилган сайн шундай ман-
зараларга дуч келамизки,
унинг ёқимли, жилвакор,
мафтун этгучи сурху, сиз-
нинг беҳтёр бутун жис-
мингизни қамраб олиб, ўйга
толдиради. Мана, инглиз
адиби Френсис Бэконга қў-
лал қўйилган: «Дўстлик
қўвонччи инки ҳисса оши-
роқ, ғам-андўхнинг ярмини
олади».

Дўстлик меҳрини сақлаш
ҳам анча мушкул, оғир иш-
дир. Худди шу жойда дўст-
лик ришталарини мустаҳ-
камлайдиган бир буюк во-
сита борки, уни кечиримли-
лик дейдилар. Кечиримли-
лик, босқичли дўстлар
ўртасида ниҳоятда зарур бўл-
ган воситалардир, булар фа-
қат дўстлик пойдеворини
мустаҳкамлайди, уни емири-
лишидан сақлайди. «Ҳамма-
да ҳам камчилик бор — би-
ровда кўпроқ, биловда кам-
роқ», — деб ёзганди ўрта аср
алломаларидан Франческо
Гвиччардини. — Шундай
экан, бир-биримизни кечи-
риш хислатини бўлмаганда
эди, унда дўстлик ҳам, ёр-
дам ҳам, ўзаро муносабат
ҳам бўлмас эди». Мана
азизлар, «кечирган унар»
деб бекора айтилмаган
эканда, айниқса дўстлар
ўртасидаги кечиримлилик-
нинг баҳоси каттадир.

Дўстлик меҳрининг куч-
қудратини улугълайдиган яна
бир ривоят бор. Инсон ор-
ганизмнинг азёзолари тилга
кириб бир-бирларидан аҳвол
сўрашибдилар. Тилдан: «Сен
кун бўйи гапирасан, бунинг
устига овқатларнинг таъми-
ни аниқлашинг керак, чар-
чамасанми?» — деб сўра-
шибди. Шунда тил: «Ҳа,
жуда чарчайман, фақат со-
ҳибим ухлаган вақтида дам
олиб, ўзимга келиб оламан»,
деган экан. Овқ, қўл, кўздан
сўрашганда ҳам худди шун-
дай жавоб бўлибди. Шундан
кейин юракдан сўрашибди:
«Ахир сен эганг ухлаганда
ҳам ишлайсан-ку, қачон дам
оласан?», дейишди: юрак
шундай жавоб қилибди:
«Соҳибим яхши дўстлари
билан дийдорлашиб, чақ-
чақлашган вақтда мен ҳам
дам оламан».

Шу ўринда Носир Хисрав-
нинг ушбу сатрларини эс-
лайлик:

Дўст дийдорин кўрмоқ —
шодлик давомиди,
Дўст бўлмаса қайда юрак
оромиди.

Ҳа, азизлар, дўстлар
дийдори, улар меҳрини қо-
зонишда катта ҳикмат бор.
Худди буюк бобомиз Руда-
кий таъкидлаганидек:

«Наҳонинг шодлиги
йилгиса бутун,
Дўстлар дийдордан
бўлолмас устун».

Дўстлар дийдори ҳақида
бундан муфассал, бундан
аниқ баҳо бўлмаса керак.
Она-Ватанимизда юздан ор-
тиқ миллат кишилари қон-
қардош, дўсту биродар бў-
либ яшайди. Ҳамма халқлар
бизда ҳамқору ҳамдам. 1966
йилда Тошкентда бўлган зил-
зилада, Чернобыль фожиа-
сида, Арманистон ва Тожи-
кистонда бўлган зилзилалар-
да русу ўзбек, тожик турк-
ман, украин озарбайжон,
қозоғу қирғиз, қўйинчи бу-
тун миллатлар чин юракдан
ёрдам қўлларини қўздилар.
Буюк совет халқларининг
дўстлигига етадиган қудрат-
ли куч дунёда йўқ. Мамла-
катимиз халқларининг қон-
қардошлигига, дўстлиги ва
улугъ Иттифоқига раҳна со-
ладиган бузғунчи кимсалар
ҳар қанча шовқин солмаслар
кунда, катта карвонимиз қайта
курши, ошкоралик, демократ-
ия ва покланиш йўлидан
бораверади ва она-Ватан
қудратини ошираверади.
Халқларимиз дўстлиги —
енгилмас бўлиб, у бизга ни-
қилобда, жангларда, тинчлик
учун курашган ота-бобола-
римиз, она-момоларимиздан
бебаҳо мерос бўлиб қолган.
Бу меросни биз кўз қорачи-
гимиздек асраб-авайлаймиз.

Мусақул УСМОНОВ,
Тошкент халқ ҳўжалиги
институтининг ўқитувчиси,
тарих фанлари кандидати.

Турфа олам

ЕНГИНИНГ ОЛДИ
ОЛИНДИ

Алағга олган автомашина
ўзи юриб гараждан чиқиб
келди, бунинг натижасида
катта ёнингнинг олди оли-
нди.

Ушбу воқеанинг ҳақиқат-
лигига ишониб қийин, шунга
қарамай у чиндан ҳам Фин-
ляндиянинг Ионесе шахри
яқинидаги кичик аҳоли пунк-
тида бўлибди. Гаражда
турган фуғридан автомобил
моторидан тўсатдан ёнинг
чиқди. Бу двигател электр
симларидан носолиқ туфай-
ли бўлибди, деб тахмин
қилинмоқда. Алағга сиклар
орқали тез тарқалиб бориб,
стартнинг ўз-ўзидан аксу-
муляторга улаштирилган сабаб
бўлган. Стартёр ишлаб кет-
ган. Натижада мотор ҳара-
катга келган ва кўча томон
ишлаб бургани учун автомо-
бил ўзи юриб, кўчага чи-
қан. Ёнинг қисқа вақт ичида
ўчирилганига қарамай, ома-
ди келмаган машина эгасига
автомобилини қўтариб қолиш
насиб этмади.

ШОИ, ДУХОБА ВА
ЖИНС



Франциянинг «Пьер Кар-
ден» фирмаси олим-мута-
хассислари ва инженер-тех-
нологлари ўтмишда ва ҳозир
хотин-қизлар кийимини ти-
книда турли газламалардан
фойдаланиш билан боғлиқ
тадқиқот ўтказдилар. Ўрта
асрларда хотин-қизлар кўй-
лагини тикнида духоба, хи-
той шойис ва юпка мовут-
дан кенг фойдаланганлиги
аниқланди. Шу билан бирга
анчагина газлама сарфланар
экан. Масалан, император-
ларнинг хотини, маликалар
ва герцогина хонимларнинг
кўйлагига 2—2,8 метр ду-
хоба, 3—3,5 метр шойи, 1,5
— 2 метр муслин ёки батист
сарфланар экан. Мансаби би-
роз назоқат хонимлар шун-
дай материалларни камроқ
сарфлашар, мовутни аксинча
кўпроқ ишлатишар экан. Са-
баби, мовут арзонроқ бўл-
ган. Бизнинг давримизда
юқорида тилга олинган газла-
малар хотин-қизларнинг ки-
йим-кечакларида ниҳоятда
чекланган миқдорда қўла-
нилади. Бир кўйлакка 0,7—
1,2 метрдан ортиқча газлама
ишлатилмайди. Бунинг ўрни-
га 1,5 — 1,8 метрча син-
тетик газламалар, турлар
ишлатилди. Сўнгги вақтлар-
да яна тафта газламаси мо-
дда бўла бошлади, мовут эса
камдан-кам қўлланилмади.
Ҳозирги замон тикувчили-
ишлаб чиқаришида илгари
номаълум бўлган жинс газ-
ламаси етакчи ўринни эгал-
лайди. Бир кўйлак ёки кес-
тюгга ана шу газламалар 1,8
— 2,3 метри сарфланмоқда.

ФАРОИЙ ҚАТАҒОН

Бундан бунён. Бирлашган
Араб Амирликларидега исти-
қомат қилаётган эркалар-
нинг касб талаш эркинлиги
муайян даражада чекланади.
Гап шундаки, Арабистон
ярим оролининг шарқий қис-
мида жойлашган ана шу дав-
лат маъмурияти эркалар-
нинг хотин-қизлар сартаро-
ли бўлиб ишлаганини тақиқлов-
чи қарор қабул қилдилар.
Муътабар расмий даража-
да қабул қилинган қарорга
мувофиқ мамлакатдаги бар-
ча сартарошхоналарга шта-
дот барча эркаларнинг аёл
сартарошларга алмаштириш
учун роппа-роса олти ой
муҳлат берилади. Бирлашган
қараганда фаройи туюлувчи
мазкур қарорнинг сабаби
сартарош ўз нафисининг ба-
жаришдан пайдадан нискоз
билан уста ўртада вуқудга
келувчи қандайдир «ҳа-
сасларга яқинлик»дир.

Франс Пресс агентлиги-
нинг хабарига қараганда ма-
зкур қарор муслулмон одоб-а-
хлоқ қадимлари рию қилув-
чи мамлакат аъналарига
мувофиқ қабул қилинган.
Бундан ташқари ушбу қаро-
ғон фақат Бирлашган Араб
Амирликларидега жорий эти-
лганга йўқ. Эрон маъму-
ри ҳар яқинда худди шун-
дай қарор қабул қилинган.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Танзаниянинг Табори ша-
ҳар суди ўғринча очки Ла-
мек Нилонгунни ўн йил қар-
моқ жазосига ҳукм қилди.
У 80 дан зиёд фийли қонун-
га хилоф равишда отиб ўл-
диришда айбдор деб топилди.
Тинтув ўтказилганда жиноят-
чининг ўқидан қимматли уч
миллион Танзания шиллин-
гидан эиёд (АҚШнинг 23
миң долларига тенг) турув-
чи 16 дан фийли тинди.
Оғир жазо Танзания маъму-
риятининг қонунга хилоф ту-
риқчилигига чек қўйишга
қатъий қарор қилганлики-
ридан далolat берилади.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Танзаниянинг Табори ша-
ҳар суди ўғринча очки Ла-
мек Нилонгунни ўн йил қар-
моқ жазосига ҳукм қилди.
У 80 дан зиёд фийли қонун-
га хилоф равишда отиб ўл-
диришда айбдор деб топилди.
Тинтув ўтказилганда жиноят-
чининг ўқидан қимматли уч
миллион Танзания шиллин-
гидан эиёд (АҚШнинг 23
миң долларига тенг) турув-
чи 16 дан фийли тинди.
Оғир жазо Танзания маъму-
риятининг қонунга хилоф ту-
риқчилигига чек қўйишга
қатъий қарор қилганлики-
ридан далolat берилади.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Танзаниянинг Табори ша-
ҳар суди ўғринча очки Ла-
мек Нилонгунни ўн йил қар-
моқ жазосига ҳукм қилди.
У 80 дан зиёд фийли қонун-
га хилоф равишда отиб ўл-
диришда айбдор деб топилди.
Тинтув ўтказилганда жиноят-
чининг ўқидан қимматли уч
миллион Танзания шиллин-
гидан эиёд (АҚШнинг 23
миң долларига тенг) турув-
чи 16 дан фийли тинди.
Оғир жазо Танзания маъму-
риятининг қонунга хилоф ту-
риқчилигига чек қўйишга
қатъий қарор қилганлики-
ридан далolat берилади.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Танзаниянинг Табори ша-
ҳар суди ўғринча очки Ла-
мек Нилонгунни ўн йил қар-
моқ жазосига ҳукм қилди.
У 80 дан зиёд фийли қонун-
га хилоф равишда отиб ўл-
диришда айбдор деб топилди.
Тинтув ўтказилганда жиноят-
чининг ўқидан қимматли уч
миллион Танзания шиллин-
гидан эиёд (АҚШнинг 23
миң долларига тенг) турув-
чи 16 дан фийли тинди.
Оғир жазо Танзания маъму-
риятининг қонунга хилоф ту-
риқчилигига чек қўйишга
қатъий қарор қилганлики-
ридан далolat берилади.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Танзаниянинг Табори ша-
ҳар суди ўғринча очки Ла-
мек Нилонгунни ўн йил қар-
моқ жазосига ҳукм қилди.
У 80 дан зиёд фийли қонун-
га хилоф равишда отиб ўл-
диришда айбдор деб топилди.
Тинтув ўтказилганда жиноят-
чининг ўқидан қимматли уч
миллион Танзания шиллин-
гидан эиёд (АҚШнинг 23
миң долларига тенг) турув-
чи 16 дан фийли тинди.
Оғир жазо Танзания маъму-
риятининг қонунга хилоф ту-
риқчилигига чек қўйишга
қатъий қарор қилганлики-
ридан далolat берилади.

АДОЛАТЛИ ҲУҚМ

Тиббиёт ҳақида

Гийёҳлар тилга кирсамми...

Нақл қилишларича, ўтмишда Луқмон Ҳаким
кирга қилиш билан ўт-ўланлар денгиздай
чайқалиб, тилга кирар эканда, «Мен фалон
касалга давоман», «Мен писмадон дардга
малҳамман» дея ҳар бир гийёҳ ўз табобат
хусусиятларини гапирар экан. Бу — бир афсо-
на, албатта. Бироқ унинг замирида ҳаётий
ҳақиқат мавжуд. Ҳатто баъзи олимларимиз
ўсимликлар оламида инсон дардига шифо
бўлмалайдиган бирорта ҳам кўкат йўқ, деб
таъкидламоқдалар. Айниқса, бизнинг респуб-
ликаимиз тиббатнинг табиий шифо-
хонаси, деб аташ мумкин.

Медицинада кўкатлар билан даволаш фани
фитотерапия деб аталади. Бу фан ҳозир ўз
атрофига жуда кўп биологлар, хирурглар,
урологлар, онкологларни, ҳуллас, медицина-
нинг жуда кўп тармоқ мутахассисларини жам-
лаган. Айни пайтда Ҳазалкентда машҳур
ўсимликшунос Валерий Викторович Жигалов
ректор бўлган «Гиппократ» халқ медицина-
си дорилфунун ишлаб турибди. Зеро, Бўс-
тонлик доривор ўсимликларининг том маъно-
даги хазинасидир. Ҳозирнинг ўзида Тянь-Шань
женишени каби етимлашган ортқ энг нодир
ва ниҳоятда шифобахш ўсимликлар мавжуд-
лиги аниқланди. Дорилфунун талабалари ама-
ли машғулотларини тоғларга саёҳат қилиб,
бевоқифа ўсимликлар дунёси бағрида ўтқа-
зидилар, шифобахш кўкатлар тўплайдилар,
малмаклатимизнинг энг йирки доривор
олимлари билан мулоқотда бўладилар. Ҳат-
то Ленинград табиий медицина клиникаси бу
ерда ўз филолини очинишни планлаштирмоқ-
да. Сир эмаски, Ленинград шаҳри медицина му-
тахассислари энг оғир касалликларни ҳам кў-
катлар ёрдамида даволашнинг ажойиб таж-
рибакорларидир.

Дорилфунун мана салкам уч йилдан бунён
Киев онкология проблемалари институти
қошидаги рақ ишларини ўсимликлар билан
даволаш лабораторияси билан мустаҳкам
алоқада бўлиб келмоқда. Чернобылдаги ав-
ариядан кейин шу институт дирекцияси илти-
фатига кўра дорилфунун талабалари Киевга
ўттиз қопдан кўпроқ шифобахш ўсимликлар
жўнатди.

Кўпчилигимизни бир савол ҳамиша қийнаб
келади: узоқ умр кўришнинг сирини нимада!
Бу саволга машҳур шифокор, врачларнинг
ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Бутунитти-
фок съезди делегати Пўлатжон Жонбеков
шундай жавоб беради:

— Одатда тоғлиқлар бошқаларга нисбатан
узроқроқ яшади. Бунинг сабаби шундаки,
аввало, улар ҳамиша соф ҳаво оғушида бў-
лишади. Қолаверса, боболардан қолиб кела-
ётган удулға кўра улар қайси кўкатни қачон
ва қанча миқдорда истеъмол қилишни яхши
билишади.

Мен Бўстонлик, Сариев ва Зомин тоғ-
ларида истиқомат қилувчи жуда кўп иро-
нларини танишман. Улар бутун умрлари да-
вомида химиявий дорилардан бирор марта
фойдаланишмаган. Чунки она табиятнингнинг
ўзи жуда улкан дорихона, фақат унинг бағ-
ридаги кўкатлардан қандай фойдаланишни
билиш керак. Бунинг учун эса фитотерапевт-
лар билан мустаҳкам алоқада бўлиш, улар
маслаҳатига оғишмай амал қилиш лозим. Шу-
нинг ўзи атроф-муҳитга бўлган муносабати-
мизни ҳам ўзгартиради.

Ҳа, табият билан сирлашшини ўрганишимиз
керак. Шундангина ўсимликлар дунёси ўз та-
бобат сандигини сизга оч беради.
Маъсула ХУЖАБОВА, шифокор.

Мушора

Тожикистондаги Панжикент
шаҳри аҳолиси ажойиб му-
шорига ҳакамлик қилишди.
Улар ҳузурига ўзбекистонлик
адиблар меҳмон бўлиб ке-
лишган эди. Бу ижодкорлар
ўзларининг тожик ҳамкасблари
билан бирга мушорада қат-
нашдилар.

Ўзбек шоирлари бундан ол-
дин Ленинобод областига са-

фар қилган эдилар. Тошкент-
лик ноширлар ва шоирлар
Чинор, Сужина, Қўтош, Чим-
қўрғон қишлоқларида бўлди-
лар. Бу қишлоқлар аҳолиси-
нинг кўпчилигини ўзбеклар
ташкил этади. Ижодкорлар
мактабларга боришди, бола-
ларга ўз асарларидан ўқиб
беришди, улар билан адабиёт
ҳақида суҳбатлашди.

Қулоққа чалинган гаплар

«Дада, сиз учун мен уял-
дам: кеча ишлаб берган маса-
лаингизга ўқитувчимиз «2» қўй-
ди».

(Тантқиқ боланинг гапи).

«Нос тизна тоғанлар мате-
матика ўқитувчиси Мавлонкул
акага берсин».

(Мақтаб ўқитишдаги ёлгон).

«Орзуим умрбод сиз билан

бирга ниспорот олишдир».

(Ошиқ хиним сўзидан).

«Мен ақлни тешаш учун уни
кам ишлатаман».

(Бир тешакдорнинг дегани).

«Тут соқисидан роса ухлаб, бир
маҳал уйғониб, пахта терими-
га тушиб кетдим. Ушанда тоғ
отидини десам, кечини пайт экан,
қўл теролий афсусландим».

(Ялқовнинг ҳикоясидан).

«Яў қондасини билмаганим
билан, қонданинги йўлини била-
ман».

(Ховлиқан ҳайдовчининг саф-
сатас

